

Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатнинг асосий кўрсаткичлари

2025 йил учун

- I. Музейлар фаолияти
- II. Маданий-томоша ташкилотлари фаолияти
- III. Ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари, шунингдек, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти
- IV. Ахборот-кутубхона фаолияти
- V. Маданият ва санъат статистикаси бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар


I. Музейлар фаолияти

Музей – музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси ([12.09.2008 йилдаги ЎРҚ-177-сон Қонуни](#)).

Миллий музей фонди – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турган музей ашёлари ва музей коллекциялари мажмуи ([12.09.2008 йилдаги ЎРҚ-177-сон Қонуни](#)).

Музейлар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

(тегишли йил учун)



Ўзбекистонда 2025 йилда музейлар сони **137 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **1 тага** (ёки **0,7 фоизга**) камайди. Шу билан бирга, 2021 йилга нисбатан музейлар сони **10 тага** ошди.

¹⁾ Музейлар сони филиалларни қўшган ҳолда келтирилган.

2025 йилда музейларга ташрифлар сони **5 474,9 мингтани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **692,3 мингтага** (ёки **14,5 фоизга**) ошди. Ҳар **10 000 нафар аҳолига** нисбатан музейларга ташрифлар сони 2025 йилда **1 445 та** бўлиб, 2024 йилга нисбатан **158 тага** (ёки **12,3 фоизга**) кўпайди.

**Музейлар фаолияти асосий кўрсаткичларининг
ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2025 йил учун)

	Музейлар сони ¹⁾ (бирлик)	Музейларга ташрифлар сони	
		жами (минг бирлик)	10 000 нафар аҳолига нисбатан (бирлик)
Ўзбекистон Республикаси	137	5 474,9	1 445
<i>ҳудудлар:</i>			
Қорақалпоғистон Респ.	6	129,8	636
Андижон вилояти	7	101,0	289
Бухоро вилояти	18	879,5	4 204
Жиззах вилояти	8	22,5	145
Қашқадарё вилояти	3	265,3	721
Навоий вилояти	5	39,5	358
Наманган вилояти	2	100,8	319
Самарқанд вилояти	14	1 183,1	2 727
Сурхондарё вилояти	2	77,9	262
Сирдарё вилояти	2	4,8	51
Тошкент вилояти	5	45,8	146
Фарғона вилояти	12	197,8	473
Хоразм вилояти	18	570,5	2 782
Тошкент шаҳри	35	1 856,6	5 903

2025 йилда энг кўп музей Тошкент шаҳрида (**35 та**), шунингдек, Бухоро ва Хоразм вилоятларида (**ҳар бирида 18 тадан**) қайд этилди. Энг кам сонли музей Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида (**ҳар бирида 2 тадан**) кузатилди.

Музейларга ташрифларнинг катта қисми Тошкент шаҳри (**1 856,6 мингта**), Самарқанд (**1 183,1 мингта**) ва Бухоро (**879,5 мингта**) вилоятларида қайд этилди. Сирдарё (**4,8 мингта**), Жиззах (**22,5 мингта**) ва Навоий (**39,5 мингта**) вилоятларида эса музейларга ташриф энг кам кузатилди.

10 000 нафар аҳолига нисбатан музейларга ташрифлар бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**5 903 та**), Бухоро (**4 204 та**) ва Хоразм (**2 782 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**51 та**), Жиззах (**145 та**) ва Тошкент (**146 та**) вилоятларида кузатилди.

¹⁾ Музейлар сони филиалларни қўшган ҳолда келтирилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Музейлар сони \(филиалларни қўшган ҳолда\)](#)

[Музейларнинг асосий фонди экспонатлари сони \(йил охирига\)](#)

[Музейларга ташрифлар сони \(жами\)](#)

[1 000 нафар аҳолига нисбатан музейларга ташрифлар сони](#)

[Музейларда ўтказилган экскурсиялар сони](#)

[Музейларда ташкил этилган кўргазмалар сони](#)

II. Маданий-томоша ташкилотлари фаолияти

Фаолиятининг асосий тури саҳна санъати асарларини яратишдан ва уларни омма олдида намойиш этишдан иборат бўлган маданият ташкилотлари (театрлар, филармониялар, цирklar, концерт ташкилотлари (профессional ижодий жамоалар, мусиқий жамоалар, ансамбллар ва бошқалар), кинематография ташкилотлари ва бошқалар) **маданий-томоша ташкилотлари** жумласига киради ([20.01.2021 йилдаги ЎРҚ-668-сон Қонуни](#)).

Давлат театрлари фаолияти асосий кўрсаткичларининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2025 йил учун)

	Театрлар sonи (бирлик)	Спектакллар (томошалар) sonи (минг бирлик)	Театрларга ташрифлар sonи	
			жами (минг бирлик)	10 000 нафар аҳолига нисбатан (бирлик)
Ўзбекистон Республикаси	41	11,9	4 351,0	1 148
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	3	1,5	322,0	1 577
Андижон вилояти	3	0,8	340,0	974
Бухоро вилояти	2	0,6	230,0	1 099
Жиззах вилояти	2	0,5	166,0	1 069
Қашқадарё вилояти	2	0,5	169,0	459
Навоий вилояти	1	0,2	46,0	417
Наманган вилояти	2	0,4	130,0	411
Самарқанд вилояти	4	1,3	432,0	996
Сурхондарё вилояти	2	0,6	179,0	601
Сирдарё вилояти	1	0,3	101,0	1 076
Тошкент вилояти	-	-	-	-
Фарғона вилояти	5	2,1	622,0	1 487
Хоразм вилояти	2	0,6	507,0	2 472
Тошкент шаҳри	12	2,5	1 107,0	3 519

2025 йилда энг кўп театр Тошкент шаҳрида (**12 та**), Фарғона (**5 та**) ва Самарқанд (**4 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг кам сонли театр Навоий ва Сирдарё вилоятларида (**ҳар бирида 1 тадан**) кузатилди.

Театрларда энг кўп спектакллар (томошалар) Тошкент шаҳри (**2,5 мингта**), Фарғона вилояти (**2,1 мингта**) ва Қорақалпоғистон Республикасида (**1,5 мингта**) ижро этилган. Энг кам эса Навоий (**0,2 мингта**), Сирдарё (**0,3 мингта**) ва Наманган (**0,4 мингта**) вилоятларида намоиш этилган.

Театрларга ташрифларнинг энг кўп сони Тошкент шаҳри (**1 107 мингта**), Фарғона (**622 мингта**) ва Хоразм (**507 мингта**) вилоятларида қайд этилди. Энг кам ташриф Навоий (**46 мингта**), Сирдарё (**101 мингта**) ва Наманган (**130 мингта**) вилоятларида кузатилди.

10 000 нафар аҳолига нисбатан театрларга ташрифлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**3 519 та**), Хоразм вилояти (**2 472 та**) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**1 577 та**) қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Наманган (**411 та**), Навоий (**417 та**) ва Қашқадарё (**459 та**) вилоятларида кузатилди.

**Давлат концерт ташкилотлари фаолияти асосий кўрсаткичларининг
худудлар кесимида тақсимланиши**
(2025 йил учун)

	Концерт ташкилотлари сони (бирлик)	Концертлар сони (бирлик)	Концертларга ташрифлар сони	
			жами (минг бирлик)	10 000 нафар аҳолига нисбатан (бирлик)
Ўзбекистон Республикаси	51	20 499	11 844,0	3 126
<i>худудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	5	1 669	907,0	4 443
Андижон вилояти	3	1 128	639,5	1 832
Бухоро вилояти	3	1 093	634,5	3 033
Жиззах вилояти	3	1 082	576,3	3 713
Қашқадарё вилояти	3	1 097	633,9	1 723
Навоий вилояти	3	1 068	649,5	5 887
Наманган вилояти	3	1 090	620,2	1 962
Самарқанд вилояти	3	1 077	611,7	1 410
Сурхондарё вилояти	4	1 370	769,4	2 583
Сирдарё вилояти	3	1 072	618,4	6 589
Тошкент вилояти	3	1 077	617,1	1 969
Фарғона вилояти	4	1 343	864,9	2 067
Хоразм вилояти	3	1 067	670,2	3 268
Тошкент шаҳри	8	5 266	3 031,4	9 637

2025 йилда энг кўп концерт ташкилотлари Тошкент шаҳри (**8 та**) ва Қорақалпоғистон Республикасида (**5 та**), шунингдек, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида (**ҳар бирида 4 тадан**) қайд этилди. Қолган барча худудларда уларнинг сони **3 тадан** бўлган.

Концерт ташкилотлари томонидан ўтказилган энг кўп концертлар Тошкент шаҳри (**5 266 та**), Қорақалпоғистон Республикаси (**1 669 та**) ва Сурхондарё вилоятида (**1 370 та**) бўлган. Энг кам сонли концертлар эса Хоразм (**1 067 та**), Навоий (**1 068 та**) ва Сирдарё (**1 072 та**) вилоятларида ўтказилган.


Концертларга энг кўп ташриф Тошкент шаҳри (**3 031,4 мингта**), Қорақалпоғистон Республикаси (**907,0 мингта**) ва Фарғона вилоятида (**864,9 мингта**) қайд этилди. Кам сонли ташрифлар Жиззах (**576,3 мингта**), Самарқанд (**611,7 мингта**) ва Тошкент (**617,1 мингта**) вилоятларида кузатилди.

10 000 нафар аҳолига нисбатан концертларга ташрифлар бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**9 637 та**), Сирдарё (**6 589 та**) ва Навоий (**5 887 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Самарқанд (**1 410 та**), Қашқадарё (**1 723 та**) ва Андижон (**1 832 та**) вилоятларида кузатилди.

Цирк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари


(тегишли йил учун)

Намойишлар сони
(бирлик)



■ Ташрифлар сони
(минг бирлик)

—○— 10 000 нафар аҳолига
нисбатан ташрифлар
сонини (бирлик)



Ўзбекистонда Тошкент шаҳрида жойлашган **1 та** цирк фаолият кўрсатади. 2025 йилда циркда ўтказилган намойишлар сони **698 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **147 тага** (ёки **26,7 фоизга**) ошди.

2025 йилда циркка ташрифлар **255,5 мингтани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **98,2 мингтага** (ёки **62,4 фоизга**) ошди. **10 000 нафар аҳолига** нисбатан циркка ташрифлар 2025 йилда **67 та** бўлди, 2024 йилга нисбатан **25 тага** (ёки **59,5 фоизга**) кўпайган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Профессионал театрларнинг умумий сони](#)

[Опера ва балет театрлари сони](#)

[Муסיқали комедия \(оперетта\) театрлари ва драма театрлари сони](#)

[Ёш томошабинлар театрлари, қўғирчоқ ва марионеткалар театрлари сони](#)

[Профессионал театрларда ўтказилган спектаклларнинг умумий сони](#)

[Опера ва балет театрларида ўтказилган спектакллар сони](#)

[Муסיқали комедия \(оперетта\) театрлари ва драма театрларида ўтказилган спектакллар сони](#)

[Ёш томошабинлар театрлари, қўғирчоқ ва марионеткалар театрларида ўтказилган спектакллар сони](#)

[Профессионал театрларга ташрифларнинг умумий сони](#)

[1 000 нафар аҳолига нисбатан профессионал театрларга ташрифлар сони](#)

[Концерт заллари ва санъат саройлари сони](#)

[Ўтказилган концертлар сони](#)

[Концертларга ташрифлар сони](#)



[Стационар ва кўчма циркларга ташрифлар сони](#)

**III. Ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари, шунингдек,
маданият ва истироҳат боғлари фаолияти**

Ҳайвонот боғлари (зоология марказлари) – ёввойи ҳайвонларни томоша қилиш, ўрганиш ва кўпайтириш мақсадида асирликда (қафасларда, катакларда) ёки ярим эркин (табиий муҳитга ўхшаш шароитдаги катта майдонларда) сақланадиган илмий ва маърифий муассасалар.

Ҳайвонот боғлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(тегишли йил учун)

**Ҳайвонот дунёси
намуналари
(турлари) сони**
(бирлик)



■ Ташрифлар сони
(минг бирлик)

—○— 10 000 нафар аҳолига
нисбатан ташрифлар
sonи (бирлик)


Йиллар	2021	2022	2023	2024	2025
Ташрифлар сони (минг бирлик)	755,3	1 176,8	1 176,1	1 232,0	1 465,4
10 000 нафар аҳолига нисбатан ташрифлар sonи (бирлик)	216	330	323	331	387

Ўзбекистонда **7 та ҳайвонот боғи** фаолият кўрсатади: улар Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган.

2025 йилда ҳайвонот дунёси намуналари (турлари) сони **744 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **107 тага** (ёки **12,6 фоизга**) камайди.

2025 йилда ҳайвонот боғларига ташрифлар сони **1 465,4 мингтага** тенг бўлиб, 2024 йилга нисбатан **233,4 мингтага** (ёки **18,9 фоизга**) ошди. **10 000 нафар аҳолига** нисбатан ҳайвонот боғларига ташрифлар сони 2025 йилда **387 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **56 тага** (ёки **16,9 фоизга**) кўпайди.

Ботаника боғлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (тегишли йил учун)



Ўзбекистонда **3 та ботаника боғи** фаолият кўрсатади. Улар Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида жойлашган.

2025 йилда ботаника боғларининг умумий майдони **113,3 гектарга** тенг бўлиб, 2024 йилга нисбатан **6,0 гектарга** (ёки **5,6 фоизга**) ошди.


2025 йилда ботаника боғларига ташрифлар **1 170,3 мингта** бўлган ва 2024 йилга нисбатан **860,1 мингтага** (ёки **3,8 баробарга**) кўпайди. **10 000 нафар аҳолига** нисбатан ботаника боғларига ташрифлар сони **309 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **226 тага** (ёки **3,7 баробарга**) ошган.

Ботаника боғи — ўсимликлар дунёси ва унинг генетик фондини сақлаш, ўсимликларни ўрганиш, иқлимлаштириш ва кўпайтириш, шунингдек, илмий, ўқув, таълим ва маърифий фаолиятни амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган муассасадир.

Маданият ва истироҳат боғлари — шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқда жойлашган, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва бўш вақтни мазмунли ташкил этиш фаолияти учун мўлжалланган табиий ҳамда маданий-рекреацион ҳудудга эга бўлган комплекс ва кўп тармоқли маданият муассасаларидир.

Маданият ва истироҳат боғлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

(тегишли йил учун)



Ўзбекистонда 2025 йилда маданият ва истироҳат боғлари сони **161 тани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **25 тага** (ёки **18,4 фоизга**) ошди. Маданият ва истироҳат боғларининг умумий майдони **1 830,5 гектар** бўлган ва 2024 йилга нисбатан **469,5 гектарга** (ёки **34,5 фоизга**) кўпайди. 2025 йилда маданият ва истироҳат боғларига **27,0 млн ташриф** амалга оширилган ва бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан **3,2 млн ташрифга** (ёки **13,2 фоизга**) кўп бўлган.

Маданият ва истироҳат боғлари фаолияти асосий кўрсаткичларининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2025 йил учун)

	Маданият ва истироҳат боғлари сони (бирлик)	Маданият ва истироҳат боғларининг умумий майдони (гектар)	Маданият ва истироҳат боғларига ташрифлар сони	
			жами (минг бирлик)	10 000 нафар аҳолига нисбатан (бирлик)
Ўзбекистон Республикаси	161	1 830,5	27 042,6	7 137
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	9	78,5	120,2	589
Андижон вилояти	20	397,7	365,5	1 047
Бухоро вилояти	11	175,1	631,0	3 016
Жиззах вилояти	4	86,8	356,0	2 293
Қашқадарё вилояти	5	43,6	186,0	506
Навоий вилояти	9	80,2	327,5	2 968
Наманган вилояти	5	138,8	9 218,5	29 161
Самарқанд вилояти	17	68,2	537,1	1 238
Сурхондарё вилояти	14	58,0	276,1	927
Сирдарё вилояти	13	90,6	34,0	362
Тошкент вилояти	3	6,8	16,7	53
Фарғона вилояти	8	49,2	384,0	918
Хоразм вилояти	14	152,9	101,1	493
Тошкент шаҳри	29	404,1	14 488,9	46 063

2025 йилда энг кўп маданият ва истироҳат боғлари Тошкент шаҳри (**29 та**), Андижон (**20 та**) ва Самарқанд (**17 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг кам сонлиси Тошкент (**3 та**) ва Жиззах (**4 та**) вилоятларида, шунингдек, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида (**ҳар бирида 5 тадан**) кузатилди.

Маданият ва истироҳат боғларининг умумий майдони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**404,1 га**), Андижон (**397,7 га**) ва Бухоро (**175,1 га**) вилоятларида кузатилди. Энг паст кўрсаткичлар Тошкент (**6,8 га**), Қашқадарё (**43,6 га**) ва Фарғона (**49,2 га**) вилоятларида қайд этилди.

Маданият ва истироҳат боғларига энг кўп ташриф Тошкент шаҳри (**14 488,9 мингта**), Наманган (**9 218,5 мингта**) ва Бухоро (**631,0 мингта**) вилоятларида қайд этилди. Кам сонли ташрифлар Тошкент (**16,7 мингта**), Сирдарё (**34,0 мингта**) ва Хоразм (**101,1 мингта**) вилоятларида кузатилди.

10 000 нафар аҳолига нисбатан маданият ва истироҳат боғларига амалга оширилган ташрифлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (**46 063 та**), Наманган (**29 161 та**) ва Бухоро (**3 016 та**) вилоятларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Тошкент (**53 та**), Сирдарё (**362 та**) ва Хоразм (**493 та**) вилоятларида кузатилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ҳайвонот боғлари сони](#)

[Ҳайвонот боғларининг ҳайвонот дунёси намуналарининг нусхалари сони](#)

[Ҳайвонот боғларининг ўсимлик дунёси намуналарининг нусхалари сони](#)

[Маданият ва истироҳат боғлари сони](#)

IV. Ахборот-кутубхона фаолияти

Ахборот-кутубхона фаолияти – ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона фондларини шакллантириш ва ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича фаолияти ([13.04.2011 йилдаги ЎРҚ-280-сон Қонуни](#)).

Ахборот-кутубхона фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

(тегишли йил учун)



2025 йилда Ўзбекистонда **17,8 мингта** ахборот-кутубхона муассасалари кузатилди ва 2024 йилга нисбатан уларнинг сони **2,8 мингтага** (ёки **18,7 фоизга**) ошди. Ахборот-кутубхона фонди **89,2 млн нусхани** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **4,1 млн нусхага** (ёки **4,8 фоизга**) кўпайди. 2025 йилда ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчилари сони **13,1 млн нафарга** етиб, 2024 йилга нисбатан **0,3 млн нафарга** (ёки **2,3 фоизга**) ошди.

Ахборот-кутубхона фонди – тизимлаштирилган ахборот-кутубхона ресурсларининг мажмуи ([13.04.2011 йилдаги ЎРҚ-280-сон Қонуни](#)).

Ахборот-кутубхона ресурси – моддий объектда матн, овозли ёзув ёки тасвир тарзида қайд этилган ҳамда идентификациялаш, сақлаш ва фойдаланишни таъминлаш учун реквизитларга эга бўлган ахборот ([13.04.2011 йилдаги ЎРҚ-280-сон Қонуни](#)).

Фойдаланувчи – ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилиши учун ахборот-кутубхона муассасасида рўйхатга олинган шахс ([13.04.2011 йилдаги ЎРҚ-280-сон Қонуни](#)).

**Ахборот-кутубхона фаолияти асосий кўрсаткичларининг
ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2025 йил учун)**

	Ахборот-кутубхона муассасалари сони (минг бирлик)	Ахборот-кутубхона фонди (млн нусха)	Ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчилари сони	
			жами (минг киши)	10 000 нафар аҳолига нисбатан (киши)
Ўзбекистон Республикаси	17,8	89,2	13 112,7	3 461
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	1,1	4,6	745,6	3 652
Андижон вилояти	1,1	11,9	1 201,8	3 442
Бухоро вилояти	1,0	5,7	578,5	2 765
Жиззах вилояти	0,8	1,8	574,9	3 704
Қашқадарё вилояти	1,8	4,2	1 064,0	2 893
Навоий вилояти	0,7	2,7	419,0	3 798
Наманган вилояти	1,5	6,0	1 141,3	3 610
Самарқанд вилояти	2,0	10,5	1 318,3	3 039
Сурхондарё вилояти	1,6	3,3	1 029,4	3 456
Сирдарё вилояти	0,9	1,7	507,5	5 407
Тошкент вилояти	1,4	5,2	1 194,3	3 810
Фарғона вилояти	1,6	5,3	1 305,1	3 119
Хоразм вилояти	1,1	8,7	766,1	3 736
Тошкент шаҳри	1,2	17,6	1 266,9	4 028

2025 йилда Ўзбекистонда ахборот-кутубхона муассасаларининг энг кўп сони Самарқанд (**2,0 мингта**) ва Қашқадарё (**1,8 мингта**) вилоятларида, шунингдек, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида (**ҳар бирида 1,6 мингтадан**) қайд этилди. Энг кам сони Навоий (**0,7 мингта**), Жиззах (**0,8 мингта**) ва Сирдарё (**0,9 мингта**) вилоятларида кузатилди.

Ахборот-кутубхона фонди ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида (**17,6 млн нусха**), Андижон (**11,9 млн нусха**) ва Самарқанд (**10,5 млн нусха**) вилоятларида кузатилди. Энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**1,7 млн нусха**), Жиззах (**1,8 млн нусха**) ва Навоий (**2,7 млн нусха**) вилоятларида қайд этилди.

Ахборот-кутубхона муассасаларидан энг кўп фойдаланувчилар Самарқанд (**1 318,3 минг нафар**), Фарғона (**1 305,1 минг нафар**) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (**1 266,9 минг нафар**) қайд этилди. Энг кам фойдаланувчилар Навоий (**419,0 минг нафар**), Сирдарё (**507,5 минг нафар**) ва Жиззах (**574,9 минг нафар**) вилоятларида кузатилди.

10 000 нафар аҳолига нисбатан ахборот-кутубхона муассасаларидан фойдаланувчиларнинг энг юқори кўрсаткичлари Сирдарё вилояти (**5 407 нафар**), Тошкент шаҳри (**4 028 нафар**) ва Тошкент вилоятида (**3 810 нафар**) қайд этилди. Энг паст кўрсаткичлар Бухоро (**2 765 нафар**), Қашқадарё (**2 893 нафар**) ва Самарқанд (**3 039 нафар**) вилоятларида кузатилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ахборот-кутубхона муассасалари сони \(жами\)](#)

[Ахборот-кутубхона фонди \(жами\)](#)

[Ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчилари сони \(жами\)](#)

[Китоблар ва брошюралар сони](#)

[Китоблар ва брошюраларнинг йиллик тиражи](#)

[Газеталар сони \(нашрлар\)](#)

[Газеталарнинг йиллик тиражи](#)

[Журналлар ва бошқа даврий нашрлар \(даврий чиқадиган тўпламлар ва бюллетенларни қўшган ҳолда\) сони](#)

[Журналлар ва бошқа даврий нашрларнинг \(даврий чиқадиган тўпламлар ва бюллетенларни қўшган ҳолда\) йиллик тиражи](#)

**V. Маданият ва санъат статистикаси бўйича
услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар**

Маданият ва санъат статистикаси маданият ва санъат муассасаларининг ҳолати ва ривожланиши, уларнинг моддий-техник базаси, ташрифлар сони, маданий тадбирлар ўтказилиши, музейлар, театрлар, концерт ташкилотлари, цирklar, ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари, маданият ва истироҳат боғлари, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини, шунингдек, нашриёт ва кинематография фаолиятининг айрим кўрсаткичларини тавсифлайди.

Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат бўйича статистик маълумотлар йиллик статистик ҳисоботлар ҳамда ваколатли вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг маъмурий маълумотлари асосида шакллантирилади. Жамланган маълумотлар маданият соҳаси, маданий инфратузилма, маданият муассасаларига ташрифлар, маданий-дам олиш фаолияти, музей, театр, концерт, кутубхона ва кинематография йўналишларининг ҳолати ва ривожланишини тавсифлаш учун фойдаланилади.

Музейлар ва маданий мерос тўғрисидаги статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги томонидан тақдим этиладиган маъмурий маълумотлар асосида шакллантирилади. Ушбу маълумотлар музей фондлари, музей экспонатлари турлари, ташрифлар сони, шунингдек, музейлар фаолияти ва маданий мерос объектлари ҳолатини тавсифловчи бошқа кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Театрлар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан давлат театрлари бўйича тақдим этиладиган маъмурий маълумотлар асосида шакллантирилади. Ушбу маълумотлар театрларнинг моддий-техник базаси, томоша заллари сифими, спектакллар ва ташрифлар сони, шунингдек, театр фаолиятига оид бошқа кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Концерт ташкилотлари ва цирklar фаолияти тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан концерт ташкилотлари, стационар ва кўчма цирklar бўйича тақдим этиладиган маъмурий маълумотлар асосида шакллантирилади. Ушбу маълумотлар асосида концертлар, ташрифлар ва доимий жамоалар сони, шунингдек, концерт ташкилотлари ҳамда цирklar фаолиятига оид бошқа кўрсаткичлар шакллантирилади.

Ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар йиллик **1 madaniyat (bog'lar)** "Ҳайвонот боғи, ботаника боғи, маданият ва истироҳат боғи фаолияти тўғрисидаги статистика ҳисоботи" маълумотлари асосида шакллантирилади. Ушбу ҳисоботни барча мулкчилик шаклларидаги ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари, шунингдек, маданият ва истироҳат боғлари тақдим этади. Ушбу маълумотлар асосида дам олиш объектлари, аттракционлар, ташрифлар, ходимлар сони, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси вакиллари сони ҳамда бошқа кўрсаткичлар шакллантирилади.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс муассасалари фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан тақдим этиладиган маъмурий маълумотлар асосида шакллантирилади. Ушбу маълумотлар кутубхона тармоғи, кутубхона фонди, фойдаланувчилар, китоб бериш ва кутубхона фаолиятининг бошқа кўрсаткичларини шакллантириш учун фойдаланилади.

Маданият бўйича жамланган статистик маълумотлар маданий инфратузилма ҳолатини, маданият муассасаларига ташрифлар даражасини, маданий-дам олиш фаолияти ривожланишини, аҳоли учун маданий хизматлардан фойдаланиш имкониятини баҳолаш имконини беради.

Фойдали ҳаволалар:

[Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги Қонуни \(12.09.2008 йилдаги ЎРҚ-177-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикасининг "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни](#)

[\(20.01.2021 йилдаги ЎРҚ-668-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонуни \(13.04.2011 йилдаги ЎРҚ-280-сон\)](#)

[ЮНЕСКОнинг Маданият статистикаси тизими – 2009](#)

[ЮНЕСКОнинг Маданият статистикаси тизими – 2025 \(UNESCO Framework for Cultural Statistics, FCS 2025\)](#)

[Маданият соҳасида статистик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа ва барқарор
ривожланиш статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: (71) 203-80-00 (ички рақам: 1305)

